



TOSHKENTVILOYATI
KASB-HUNAR TA'LIMI BOSHQARMASI
BUYRUQ

Toshkent v.

20.07 2019yil 212-sonli

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил
8 июлдаги ПҚ-4386-сон
Қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини касб-хунар коллежларида муносиб кутиб олиш ва нишонлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4386-сон қарори ҳамда Тошкент вилояти хокимлигининг 2019 йил 15 июлдаги “Вилоятда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Баёни ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4386-сон қарори ҳамда Тошкент вилояти хокимлигининг 2019 йил 15 июлдаги “Вилоятда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин;

2. Касб-хунар таълими бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан Ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасалари директорларига:

-мазкур Қарорнинг иловасига мувофиқ Ишчи гуруҳлар тузиш;

-мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти бўйича навбатдаги кенгайтирилган йиғилишларда тушунтиришлар олиб бориш;

-Байрам муносабати билан таълим муассасасида куну-тун навбатчилик ташкил этиш;

-“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш;

-Касб-хунар коллежларида ташкил этиладиган Мустақиллик байрами тадбирларида “Ватанпарварлик декадалари” доирасида ташкил этилган Давлат мадҳиясини гуруҳ бўлиб ижро этиш, Ватан, Она ҳақидаги шеърларни ифодали ўқиш бўйича гуруҳлар ва ўқувчилар ўртасида турли мусобақалар ташкил этиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

-Мустақиллик байрами муносабати билан ташкил этиладиган “Мустақиллик дарслари”ни юқори савияда ўтказиш учун малакали мутахассислар ва ижтимоий фан ўқитувчиларини фаол жалб этиш;

-Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Ягонасан, муқаддас ватан!”, “Энг улуғ, энг азиз”, “Раиғлар жилосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларда касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшларининг фаол иштирокини таъминлаш;


-Амалга ошириладиган ишларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш;

-Мазкур Қарор доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан 2019 йилнинг 20 августга қадар, якуний ҳисоботни 5 сентябрига қадар Бошқарма (С.Хамракулова)га, навбатчиликни ўтказилиши юзасидан маълумотни ҳар куни белгиланган вақтларда Бошқарма (Э.Бобоёров)га тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Бошқарманинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ишлаш бўйича мутахассиси (Д.Мирсагатова)га ушбу буйруқни ўрнатилган тартибда таълим муассасаларига етказиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи в.в.б




А.Закиров

Касб-хунар таълими бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат
мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан Ишчи
гурухи таркиби

т/р	Фамилия ва исми	Лавозими	Ишчи гуруҳда вазифаси
1.	Тўхтаев Улуғбек Қидиралиевич	Бошқарма бошлигининг ўринбосари	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Назаров Жавлон Нажмиддинович	Бош услубчи маслаҳатчи	Ишчи гуруҳ аъзоси
3.	Ёрбобоев Мухтор Эшпулатович	Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бош мутахассис	Ишчи гуруҳ аъзоси
4.	Джампулатов Собир Базаркулович	Касб-хунар коллежларини ўқув- методик таъминлаш бўлими бошлиғи	Ишчи гуруҳ аъзоси
5.	Хушбаков Абдужаббор Нематуллаевич	Бош ҳисобчи	Ишчи гуруҳ аъзоси
6.	Бабаяров Эшмумин Авазович	Бош услубчи маслаҳатчи	Ишчи гуруҳ аъзоси
7.	Осамов Зоҳиджон Мамарасулович	Малакали кадрлар тайёрлашни мувофиқ-лаштириш ва мониторинг бўлими бошлиғи	Ишчи гуруҳ аъзоси
8.	Хамракулова Соҳиба Алимжановна	Бош услубчи маслаҳатчи	Ишчи гуруҳ аъзоси

1/DT-4-3688
14.04.2018й



Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ

2019 йил 15 июль

Нурафшон шаҳар

Раислик қилувчи

Р.Холматов – вилоят ҳокими в.б.

Иштирок этди

Вилоят комиссияси аъзолари, вилоят бошқарма ва ташкилот раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Вилоятда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида**

(Р.Холматов, О.Рустамов, Қ.Хамдамов, О.Таджиев, С.Низомов, С.Юсупов,
О.Парпибоева, Т.Арипов, Т.Арзиқулов, ... Р.Холматов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги (ПҚ-4386-сонли) қарорига асосан ўзимизнинг тегишли қароримиз қабул қилинди. Мазкур қарор билан вилоят комиссияси тузилди.

Байрам муносабати билан вилоятда “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғоя асосида ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилиши белгилаб олинди.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олиб йиғилиш қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида 2019 йил 15 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят комиссияси уч кун муддатда вилоятда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги байрамини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят комиссияси, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари чора-тадбирларда белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз муддатида ва сифатли бажарилишига шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят комиссияси аъзолари иловага мувофиқ шаҳар ва туманларга бириктирилсин.

Бириктирилган вакиллар, шаҳар ва туман ҳокимликлари:

шаҳар ва туманларнинг марказларида, вилоятдаги маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда, таълим муассасаларида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғоя асосида ташкилий-амалий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлар ҳамда спорт мусобақаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Тадбирларни ташкил этишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно-мазмунини ва руҳини мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни аниқ далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида вилоятга бириктирилган

таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳларини самарали фаолият кўрсатиши юзасидан барча зарур чоралар кўрсин.

Бу тадбирларни ташкил этишда мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмийчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш чораларини кўрсин.

4. Вилоят маданият бошқармаси (Н.Абдувалиев) шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда туман, шаҳарларнинг марказларида ва вилоятдаги истироҳат боғларида халқ сайилларини, маданият ва дам олиш масканларида эл ардоғидаги санъаткорлар ва вилоятимизнинг истеъдодли хонандалари иштирокида байрамга бағишланган концерт дастурлари ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (О.Парпибоева), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви (Х.Хамидов), вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (М.Носиров), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Зуфаров) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда вилоятдаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани, ватанимиз мустақиллигини ҳимоялаш мақсадида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини ҳамда вилоятдаги “Меҳрибонлик уйлари”, мактаб-интернатлари, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида тарбияланаётганларни байрам билан қутлаш мақсадида ҳомийлар бириктириб, улар иштирокида байрам тадбирларини ташкил этиш ва уларга байрам совғаларини топширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Юсупов):

вилоят қурилиш бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари байрам арафасида вилоятдаги ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли турар жойларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини якунлаш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Зуфаров) билан биргаликда ёш оилаларга “Ёшлар уйлари”ни топшириш чораларини кўрсин;

байрам муносабати билан жойларда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш бўйича бир ҳафта муддатда таклиф киритсин.

7. Вилоят ҳокимнинг ўринбосари (О.Таджиев), вилоят маданият бошқармаси (Н.Абдувалиев), вилоят филармонияси (А.Мирзаев) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тақдим этиладиган намунали сценарий асосида вилоят, шаҳар ва туман марказларида ташкил этиладиган тадбирларнинг сценарийларини ишлаб чиқиш, тадбирларни юқори бадиий савияда ташкил этсин;

шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда вилоят. Шаҳар ва туман марказларида ташкил этиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этиш чораларини кўрсин ва тадбирларни юқори савияда ўтказиш бўйича барча зарурий тадбирларни амалга оширсин;

жорий йилнинг 1 августидан бошлаб вилоят тадбирини ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари (репетиция) бошланиши белгилаб қўйилсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Рустамов), вилоят молия бош бошқармаси (Ф.Худойбердиев):

вилоят давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда 2019 йил 29 августга қадар биринчи даражали тўловларни хусусан, ойлик иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни тўлаш чораларини кўрсин;

вилоят тадбирини юқори савияда ташкил этиш учун ижодий гуруҳ талабномасига биноан белгиланган тартибда аниқ ҳисоб-китоблар асосида маблағ ажратиш бўйича таклиф киритсин;

шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда туман, шаҳарларнинг марказларида ва деҳқон бозорларида жорий йил 10 августдан бошлаб ҳудудлардаги фермер ва тадбиркорларнинг арзонлаштирилган маҳсулотларининг савдосини амалга ошириш учун Савдо ярмаркаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

9. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (М.Тоиров), вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (З.Эралиева), вилоят маданият бошқармаси (Н.Абдувалиев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Зуфаров), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (М.Хаджаева) вилоятда Мустақиллик байрами муносабати билан аҳолининг кенг қатлами ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданият тадбирлар ўтказиш учун таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат

маънавий-маърифий тарғибот гуруҳларини ташкил этиш чораларини кўрсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини таъминласин.

10. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Зуфаров), шаҳар ва туман ҳокимликлари уч кун муддатда ҳудудларда “Ҳоким ва ёшлар” учрашувларини ташкил этиш графикларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва жойларда учрашувларни юқори савияда ташкил этилишини таъминласин.

11. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Д.Рихсибоев), “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди вилоят бўлими (О.Аноров), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (М.Зуфаров) вилоятдаги маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган жамоаларни тақдирлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (З.Эралиева) ва вилоят маданият бошқармаси (Н.Абдувалиев) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (М.Тоиров), вилоят “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (М.Фуломов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуғ, энг азиз”, “Ранглар жилосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларни вилоятда юқори даражада ўтказилишини таъминласин.

13. Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (М.Хаджаева) бир ой муддатда махсус ишчи гуруҳ тузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги ва Реклама тўғрисидаги қонунларининг вилоятдаги ижросини ўрганиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга оширсин.

14. Шаҳар ва туман ҳокимликлари:

барча ҳудудларда ҳокимлар бошчилигида Мустақилликнинг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича штаблар ташкил қилиш, ушбу штаблар таркибига ҳокимликлар масъуллари билан бирга “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” жамоат фонди, давлат ва хўжалик ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, санитария хизмати, табиатни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш идоралари раҳбарларини киритиш;

вилоят “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (М.Фуломов) билан биргаликда шаҳар ва туман марказларига, асосий кўчаларга, тадбирлар бўлиб ўтадиган майдонларга ва ҳудудларга “Жонажон Ўзбекистоним,

мангу бўл омон!" деган ғояни ўзида мужжасам этган кўргазмали ташвиқот воситалари (камида 5 тадан) тайёрлаш ва уларни мос бино ва конструкцияларга жойлаштириш;

вилоят "Тоза ҳудуд" ДУК (Ж.Туляганов) билан биргаликда ҳудудларни ободонлаштириш ва турли чиқиндиларни олиб чиқиш ҳамда ҳудудларни байрамга мос руҳда безатиш;

вилоят ички ишлар бош бошқармаси (Т.Арипов) вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Х.Алибоев), бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўн кун муддатда тадбирлар ўтказиладиган жойларни ўрганиб, тегишли далолатномаларни расмийлаштириш ва ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган зарурий чора-тадбирларни амалга оширсин;

байрам тадбирларини хавфсиз ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва маҳалла оқсоқоллари иштирокида ташкилий йиғилишлар ўтказиш;

уч кун муддатда барча шаҳар, туман, олис қишлоқ ва овулларда Мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаш ва вилоят штабига тақдим этиш.

15. Вилоят, шаҳар ва туман секторлари раҳбарлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари ҳудудларда тизимли равишда фуқароларнинг қабулларини ташкил этиб, уларнинг муаммоларини хал этиш чораларини кўрсин.

16. Вилоят ички ишлар бош бошқармаси (Т.Арипов) вилоятнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари ўтадиган жойларни Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги "Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 205-сонли қарори талаблари асосида қабул қилиб олинишини таъминласин.

17. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси (С.Базаров), вилоят маданият бошқармаси (Н.Абдувалиев) вилоят тадбири давомида мушакбозлик (салют) ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (О.Таджиев), вилоят маданият бошқармаси (Н.Абдувалиев) уч кун муддатда мустақиллик байрами, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳамда "Халқаро ҳунармандчилик фестивали" билан ўзаро яқин муддатларда ўтишини инобатга олган ҳолда ҳар бир тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва унда муносиб иштирок этиш бўйича таклиф киритсин.

19. Вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди (О.Анаров) вилоятдаги барча маҳалла гузарларида байрам тадбирларини маҳалла аҳолисини кенг жалб этган ҳолда, уюшқоқлик билан ўтказилишини ташкил этсин.


20. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Низомов) вилоят туризм департаменти (И.Нусуров) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда байрам кунлари юртдошларимизнинг тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжолар, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишлари учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда байрам кунлари аҳолининг дам олиши учун муносиб шароитлар яратилишини таъминласин.

21. Вилоят “Ҳунарманд” уюшмаси, вилоят Бадиий академия вилоятдаги ҳар бир маданият ва истироҳат боғида рассомларнинг ижоди ва ҳунармандчилик намуналари кўргазмаси ва ярмаркасини ташкил этсин.


22. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Б.Қобулов), вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (З.Эралиева) вилоятда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрами муносабати билан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари, хусусан ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

23. Ушбу йиғилиш баёни қарорининг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Йиғилишни баёнлаштирди



М.Ташбаев



Вилоят ҳокимлигининг
2019 йил _____ шолдаси
йиғилиши баёнига шлова

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
йиғирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш бўйича вилоят комиссияси шаҳар ва туманларга бириктириш
ЖАДВАЛИ

1.	Холматов Р.	вилоят ҳокими в.б., комиссия раиси	Нурафшон шаҳар
2.	Рустамов О.	вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари	Олмалик шаҳар
3.	Хамдамов Қ.	вилоят ҳокимининг ўринбосари	Чирчик шаҳар
4.	Таджиев О.	вилоят ҳокимининг ўринбосари	Қибрай тумани
5.	Юсупов С.	вилоят ҳокимининг ўринбосари	Янгийўл шаҳар
6.	Абдусаломов Ж.	вилоят ҳокимининг ўринбосари	Пискент тумани
7.	Низамов С.	вилоят ҳокимининг ўринбосари	Бўстонлик тумани
8.	Қўчқоров А.	вилоят ҳокимининг ўринбосари	Бўка тумани
9.	Парпиева О.	вилоят ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси	Зангиота туман
10.	Самадов С.	вилоят прокурори	Ўрта Чирчик тумани
11.	Арипов Т.	вилоят ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи	Қуйи Чирчик тумани
12.	Мухаммадиев А.	вилоят адлия бошқармаси бошлиғи	Пискент тумани
13.	Базаров С.	вилоят муҳофаза ишлари бошқармаси бошлиғи	Бекобод тумани
14.	Худойбердиев Ф.	вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғи	Тошкент тумани

15.	Атаев К.	Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи	Юкори Чирчик тумани
16.	Тўраев Т.	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари вилоят кенгаши раиси	Охангарон тумани
17.	<i>Лавозимига кўра</i>	вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи	Янгийўл тумани
18.	Арзикулов Т.	вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи	Оқкўрғон тумани
19.	Рихсибоев Н.	вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи	Чиноз тумани
20.	Анаров О.	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарув раиси	Охангарон шаҳар
21.	Носиров М.	вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси	Паркент тумани
22.	Алибоев Х.	вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи	Ангрен шаҳар